



Ё Яхйо, хузил китоба бикувватин...

(Ё Яхйо, китобни махкам тут...)

“Марям”, 12-оят

Худо хар бир инсонга унинг бўйин томиридан ҳам якин дейилган. Худди шунингдек, Аллохнинг каломи ҳам хар бир инсонга шундай якин. Худонинг ўзи меҳр билан яратган ва тарбиялаган Инсонга етказган Сўзлари — панду насихатлари, яшамок йўл-йўриклари, тартиб-интизомлари, ман этганлари ҳамда буюрганлари, ирода этмиш барча хукмларини инсон канчалар теран тушуниб, англаб етса, улар хакида бутун аклининг кучини ишлатиб ўйласа, фикр юритса, ўз хаётини хидоят асосига курса, Аллох билан Инсон ўртасида якинлик ҳамда Калом билан Инсон ўртасида якинлик шунчалар ортиб боради. Аллох ўзи айтмокчи, факат Яхшиликка буюради, ёмонлик ва турли разолатлар, конхўрлик ва турлича нафс тугёнларидан, уларнинг фожиали окибатларидан кайтаради. Канчадан-канча одамзод кавмлари кабохат чохиға ботиб кетди. Ер юзи сайёра микёсида не-не тўфонлар, зилзилалар, мангу совук, мангу иссиқлар гирдобида кайта-кайта бино бўлди. Кейинги замонлардаги Биринчи ва Иккинчи жахон уруши киргинлари, тирик жонзотлар узра ядро куролларининг портлатилиши, уларнинг ерни махв этиш максидида тинимсиз синаб кўрилиши, дин никоби остида ёвуз тажовуларнинг авж олиши — булар бари Охирзамон нишонларидир. Ер куррасини Шимолий ва Жанубий Кутбларнинг таранг музликлари мустахкам тутиб туради. Эндиликда айрим буюк давлатлар шу икки Кутб тагидаги бойликларнинг захираларини талаш ва бирдан-бир маконимиз бўлмиш сайёрамизни тухум пўчоғидек килиб кўйиш режаларини тузиб, бир-бирлари билан кон, жой талашмокда. Сайёрамизни бундай талон-тарож килишга уринишлар — огир замонларнинг нишонларидир. Ўз-ўзидан Киёмат хеч қачон бўлмагай. У факат разолат сўнг нуктага кўтарилгандагина ва Инсон шу гўзал сайёрада умргузарлик килишга нолайик, нобоп бўлиб колган охирги палладагина рўй беради. Куръоннинг хар бир ояти шундан дарак беради ва огохлантиради. Умид шундаки, бундай разолатлардан сакланиш ва ўзни тийиш одамлар ва уларнинг хозирги замон жамиятларининг ўз кўлида, иродасида. Аллох бунинг ибратлари ва сабоқларини Меҳрибонлик китоби бўлмиш Куръонда таъсирли коссалар, ибратли масалалар, Инсон аклини кувватлантирувчи хикматлар ва мавъизаларда Рахм кудрати билан айтиб ўтади. Истиклол туфайли Ўзбекистонда Куръон ва муқаддас хадисларни нашр этиш, тушунишнинг янги замони бошланди. Куръонни билиш ва юракларга жо этишнинг янги даври келди.

Куръонга риоя этиш, унинг хидоятига эргашиш, тўла бахраманд бўлиш вақти етди. Куръонга риоя этмокликнинг эшиклари очилди. Чунки энди уни хар ким билмоги мумкин. Ўзбекистон хонадонларига Куръоннинг ўзбек адабий тилига бир эмас, бир неча таржималари ишонч ва иймон билан кириб борди. Ўтган асрнинг эллигинчи-олтмишинчи йилларида биз, араб тилидан беҳабар ёшлар Куръоннинг рус тилига мухтарам Саблуков ва Крачковский таржималарини кутубхоналардан базўр топиб ўқишга муяссар бўлганмиз. Ўшанда илк бор юрагимизга Куръон мухаббати тушган. Бу бутун дунёдаги инсонларга юборилган хидоят деб англаганмиз.

Кандай саодатли зиёманд замонлар етишиб келдики, араб тили, ислом илми, маданияти, тарихи, диний ва дунёвий ахкомлари, уларнинг замона кишилари хаёт тарзидаги ўрнини яхши билган араб тили билимдонлари — алломалар томонидан Куръоннинг шархлар билан таъминланган “маънолар таржималари” амалга оширилди. Ўзбекистонда яшовчи кишилар илк бора Куръон маънолари, илохий оханглари, тимсоллари, мўъжиза ўғитлари океанига ўз она тили кудрати, поэтик салоҳияти тўлкинида етишиб бордилар. Тубсиз маъноларни илгари факат гаввос мутасаввифлар, килни кирк ёрган уламолар, дарвешлар, факихлар, корию курроларгина англаб билган бўлсалар, энди Аллохнинг сара кишиларгагина эмас, жамики ўзи яратган, тарбиялаган инсонларга карата айтган хос сўзларини халкнинг кенг вакиллари, катламлари билиш, тушунишларига азим, эркин йўллар очилди. Исломнинг нималигини муллаларнинг огзаки баёнлари, шархлари, тушунтиришлари ва ўзига яраша тушунчалари оркали эшитган, билган кишилар энди ўзлари, ўз саводлари даражасида, иштиёқлари кадр килганча Куръон ва Хадис ичига кириб боряптилар.

Албатта, таржима хар канча мукамал бўлмасин, хеч қачон у аслиятнинг ўрнини босолмайди. Таржима аслиятга тенглашолмайди. Ибодатда эса аслият ўрнига ўтмайди. Асл оханг, асл сўз ва асл сир-синоат доим аслиятнинг ўзида. Исломда ибодатларни аслият бирла адо этиш бу мислсиз неъмат!

Шулар билан бирга Куръон ёлғиз араб тилли халкларнинг эмас, Ер юзидаги барча художўй, покдил, яхшилик туйғуси билан яшайдиганлар ва умрларни шулар билан ўлчайдиганларнинг мулки, маънавий-рухий халоскор сўзи, умр довонларида энг мустаҳкам таянчи.

Шунинг учун Куръоннинг дунёдаги барча тилларга таржима килиниши буюк маданий-маърифий ходисадир. Таржима эса маърифат кўнги роғи.

Кейинги ўн йиллар ичида Куръоннинг Шайх Аловуддин Мансур (1992), Шайх Абдулазиз Мансуров (2001), Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф (1991), Шайх Шамсиддин Бобохонов (1991), Саййид Махмуд Тарозий (1994) изохли, шархли, тафсирли таржималари ўзбек тилида дунё юзини кўрди. Бу таржималарнинг умумий хусусияти содда, тушунарли замонавий ўзбек адабий тилида янграганлигидир.

Тошкент Давлат Шаркшунослик институти 2000 йилда XII — XIII асрларнинг ёдгорлиги деб хисоблаб келинаётган “Туркий тафсир”нинг факсимил нашрини амалга оширди. Тилимизнинг ўша замонлардаги ифода кудратини Куръондай ўлмас обида таржимаси воситасида намоён килган ушбу бебаҳо асарнинг муаллифи исми хали-хамон илм дунёсига коронгулигича колмокда. Аммо унинг тили, текширувчилар бир огиздан таъкидлашгандай, Махмуд Кошгарий, Ахмад Югнакий, Юсуф Хос Хожиб ва айникса, Кутб Хоразмий, Сайфи Сароий, Хайдар Хоразмий ва Носируддин Бурхонуддин Рабгузийнинг улуг асарлари тилига гоятда якин, яна хам тўғрироғи, шу кўхна ўзбек адибларининг асарларида мужассамлашган умумий ўзбек адабий тилида яратилгандир.

Айникса, у “Кисас” ҳамда “Хисрав ва Ширин” тилига, услубига шу кадар ҳамохангки, уни Кутб ёки Рабгузий ёзмаганмикин, деган хаёлга ҳам борасиз. Лекин аник далил бўлмагач, буни катъи айтолмайсиз. Турди “тўксон ики бори ўзбек элидур...”, деган жумлани ёзиб колдирган. Ўзи тўксон иккита бўлса ҳам, лекин ягона умумий ўзбек тили — (лахжаларидан катъи назар) уларнинг барчаларига тушунарли ўзбек тили эди.

Куръоннинг илк таржимаси мана шу ягона умумий ўзбек тилида яратилган. У улкан маданий обида. Тафсир муаллифи Куръон оятлари остига жуда содда ва ўта тушунарли ўзбекча таржимасини беради. Ўқиган киши оятларнинг асли ҳамда ўзбек тилига таржимасида уларнинг тўғри маъноларини ўзлаштириб боради. Ўзбек тилимизга кўп хизматлар килган улкан олим А.К.Боровков “Тафсир”нинг ифодавийлиги, тил хусусиятларининг кимматига лол қолиб, дархол “Лексика Среднеазиатского тefsира XII — XIII вв.” деган жуда кимматли лексик китобини (1963) яратган эди.

Тарихан киска давр ичида Куръоннинг мана шундай ранг-баранг таржималарининг замон ўқувчисига тақдим этилишини жуда катта тарихий маданий ходиса деб аташ мумкин. Бу, биринчидан, Куръонга хақикий кизиқишнинг ортгани, иккинчи ёқдан, аслиятга иложи борица яқинлашиб боришга интилишлар кучайганини кўрсатади. Учунчидан, талкин ва шархларда диний-мистик қобиклардан аста-секин чиқиб, кенг дунёқараш билан илмий шархлашга ўтиш ҳар қалай сезилмоқда. Шу билан бирга, бу таржималарнинг ҳар бири ўзига яраша кимматга эга. Яна бир кимматли жиҳати шундаки, улар илмий асоси мустаҳкам, ҳар томонлама дунё тажрибалари асосида текширилган академик нашрга йўл очади. Бу таржималарсиз академик нашрни тасаввур қилиб бўлмайди. Европа, Америка, айрим Шарқ мамлакатларида Куръоннинг илмий академик таржималари амалга оширилган. Германияда қилинган таржималари ичида шарқшунос Р.Паретнинг 1963 — 1966 йилларда чиқарган немис тилига таржимаси энг аник илмий таржималардан саналади. Инглизча академик нашри 1969 йилда Англияда “Куръон интерпретациялари” (талкинлари) деб номланиб нашр этилган. Куръоннинг бошқа тилларга қилинган энг янги таржимаси муаллифларидан ажойиб таржимон Валерия Порохова Дамашк — Москвада 1995 йилда нашр этилган нодир таржимасида ушбу инглиз тилидаги таржимага иқтибосан ўз таржимасини “Коран. Перевод смыслов” деб номлаганлигини ёзади (Коран. Перевод смыслов. Дамаск — Москва, 1995 г.). Валерия Порохова араб тилини жуда чуқур билади. У кўп вақтлар араб уламолари доиралари ичида яшаган ва Куръонни ўрганишга жуда кўп йилларни сарфлаган. У китобга ёзган сўзбошида “маънони имкони борица аник ифодалаш” — таржимоннинг асосий максади эканлигини айтади. У Куръонни илмий талкин қилишнинг аҳамияти ҳақида бир қатор мулоҳазаларини ўртага қўяди. Валерия Порохова Куръонни шеърий таржима этишга жазм этади. Эмоционал кўтаринкиликни беришда катта натижаларга эришади. Шу билан бирга, таржиманинг адекватлиги устида жиддий қайгуради. Куръонни сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди, деган фикр жуда қадимлардан бери мавжуд. Шунинг учун таржимада кўпроқ тафсир, яъни баён ва шарҳ йўлидан бориш, яъни тафсир қилиш одат тусига қириб, анъанага айланган. Сўзма-сўз таржималар Куръон оятлари остида, яъни аслият билан бирга бериб бориладиган таржималардагина қўл қелиши ва Куръонни ўрганишда самарали амалий фойда келтириши мумкин. Лекин аслиятдан холи тарзда сўзма-сўз таржимани чиқариб бўлмайди.

Маънолар таржимаси деган тушунчани ҳам турлича англаш ва тушуниш эҳтимолдан узок эмас. Маънолар таржимаси дейилганда, талкинлар — интерпретацияларга — уларнинг нозикликларига йўл очилади. Сўзма-сўз таржимада сўзлар ва жумлаларнинг аник

таржималари ифодаланади. Лекин бунда бадийлик ва услуб юзага чикмайди. “Тафсир”нинг таржимаси шундай сўзма-сўз таржиманинг яккол намунаси. Хазрат Саййид Махмуд Тарозий таржимаси ҳам шундай сўзма-сўз таржимага якин. Уни ҳам факат аслият билан бирга ўқиган маъкул. У Куръон оятларига сўзма-сўз, жумла-бажумла эргашиб, уларга хамрохлик килиб боради. (Хазрат Саййид Тарозий (Олтинхон Тўра 1991 йилда 98 ёшда вафот этган)нинг шархли таржимаси 1990 йилда Истанбулда аслият билан бирга нашр килинган. У “Туркистоний тилига таржима” дейилган ва хорижий мамлакатларда яшовчи туркистонликлар ҳамда уларнинг тил хусусиятлари, тушунчаларига мос холда чиқарилган. Саййид Тарозий таржима ва шархни 1956 йилда тамомлаган. 1975 йилда Покистонда босмадан чиқарган. Таникли арабшунос Исматулла Абдуллаев 1994 йилда ана шу нашрдан ўзбек кириллицасига табдил этиб, ўз хисобидан 100 нусха нашр этди. У ўз сўзбошида Куръоннинг ўзбек тилига таржималари тарихи, Олтинхон Тўра таржимаси, хаёти, ижоди хақида кимматли маълумотлар келтирган. Исматулла Абдуллаевнинг нашрида (1994 й.) факат Олтинхон Тўра таржимасининг ўзи (аслиятсиз) келтирилган. “Тафсири Хилол” таржимаси ҳам оятлар билан эш келиб, уларни сўзма-сўз изохлаб боради. Алоуддин Мансур таржимасида эса шархларга кенг ўрин ажратилади. Шархлар ҳам алохида, ҳам яна оятлар таржималари ичида, ҳам кавс ичида кенг қўлланилади. Муаллиф Куръон маънолари илк ўқиётган ўқувчига тушунарсиз бўлиб қолишидан каттик хадиксирайди ва кетма-кет изохлаб билан оятлар ичини тўлдириб ташлайди. Бу шархли таржима учун унчалар гайритабiiй эмас. Лекин жуда кўп ўринларда калом шархлар ва изохлаб ичида кўринмай кетади. Бу асл маънони қабул қилишни жуда қийинлаштиради. Бу томондан Абдулазиз Мансур таржимаси анча олдинга силжиган. Оятлар оралаб изохлаб анча меъёрида қўлланган. Лекин бу ерда ҳам оятлар аро изохлаб каломни хар томондан бўлиб, ажратиб туради. Калом яхлит эмас. Қабули ҳам яхлит эмас. Каломга қарай десангиз, изохлаб қолиб кетади, изохлабга эътибор қилай дейилса, калом узук-юлук қолиб кетади. Бунинг ҳам бирдан бир сабаби каломнинг нотўғри ўқилишидан хадиксираш. Холбуки, аниқ, адекват таржима қилинса, нотўғри ўқиш, тушунишга ўрин қолмайди. Бу икки эътиборли таржима юзасидан чиқариш мумкин бўлган дастлабки хулосалар қуйидагича:

1. Оятларни аниқ таржима қилиш ва уларда факат Худонинг ўзи туширган каломнигина акс эттириш. Орага ҳеч қандай изохлаб, шарх, баён қўшмаслик.

2. Албатта, шарх, баён, изохлаб жуда зарур. Улар хар қанча бўлганда ҳам ортикчалик қилмайди. Лекин уларни ўз ўрнида алохида қилиб берган маъкул. 2001 йилги нашрда шундай алохида саҳифа тагида келтирилган қиска шархлар бор. Лекин улар етарли эмас. Жуда кўп истилохлар, реалийлар шархсиз, тушунтиришсиз қолиб кетган. Бунда Германия, Англия, Франция, Америка, Миср илмий академик нашрларидан улги олиш фойдали бўларди. И.Ю.Крачковский ҳамда Валерия Порохова оятлар каломини соф холда таржима қилиб, барча изохлабни алохида ўринга қўядилар. Назаримизда бу, айниқса, илохий матнлар таржимасида гоётда зарур илмий усулдир.

Иккинчи хулоса:

Куръон истилохлари, терминлари имкони борича чуқур ва хар томонлама тадқиқ қилиниши ва ушбу текширишлар илмий таржималарга сингдирилиши зарур.

Бизнинг сўзлашув ва ёзув тажрибаларимизда сўзнинг орттирма даражаларини қўллашга майллар анча қучли қўзга ташланади. Чунончи Саййид Махмуд Тарозий хазратлари “Бисмиллохир Раҳмонир Раҳим” каломини қуйидагича ифода қиладилар: “Ибтидо

килинур беҳад меҳрибон ва ниҳоятда раҳмдил Аллоҳ номи ила”. Бунда “ибтидо килинур”, “беҳад” ва “ниҳоятда” деган сўзлар муболага. Аслиятга нисбатан улар ортикча. Аслият каломи ёмби, нодир, киска ва тез эсда қолади. Инсоф билан айтганда, уч аслий сўз орасига ортикча сўз нари турсин хатто ҳаво заррасини ҳам киритиб бўлмайди. Кўпсўзлик доимо таржимани сусайтиради, лўндаликка ва таъсирчанликка путур етади. Мухтарама Валерия Порохова “Раҳмон”ни “Всемилоостивый” деган сўз билан ўгиради. “Все” деган орттирма даража бу ерда ўринсиз. Матнда “кулли раҳмон” дейилаётгани йўқ. Шунинг учун Крачковский “милостивый” деб беради ва тўғри қолади. Бу каломни мухтарама мутаржим доктор Сумайя Афибий ҳамда доктор Абдел Салом ал-Мансий Куръоннинг рус тилига килинган энг янги таржима нашрида ҳам “Во имя Аллаха милостивого, милосердного!”, деб талкин этадилар. Шамсиддин Бобохонов, Абдулазиз Мансур, Алоуддин Мансур “Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошламан)”, деб ўгирадилар. Бу айна адекват таржима. Ўзбек ўқувчисига яхши тушунарли. Бисмиллоҳ, ло илоҳа илаллоҳ сингари ўта хос иборалар ҳамда Аллоҳнинг гўзал исмларини аслиятда қандай бўлса, таржималарда ҳам шундай ўзгартирмай саклаш ўринли бўлар эди. Буларни ҳар қандай таржима матнида арабчаси қандай бўлса, шундайича ифодалаш ва алоҳида изоҳда улар таржимасини кўрсатиб ўтиш матн колоритини, унинг оҳангдорлигини кучайтиради. Аллоҳ ислом динига, унинг аҳкомларига эътикод қилган миллионлаб кишилар қалбига худди шу асл сифатлар, номлар билан кириб борган ва шундай қабул этилган. Атрибутларни ўзгартириш ўзини оқламайди. Таржима қонуниятларига кўра ҳам реалийларни асл ҳолича бериш ўзини оқлайди. Яна бир муҳим жиҳати асл реалийлар, истилоҳ-терминлар билан бирга ислом гоёсининг ўзига ҳосликлари бошқа тил муҳитларига ҳам ўтиб боради. Улар исломнинг ўзига ҳос дин эканлигига ургу беради. Реалийларни ўз асл ҳолича бериш илоҳий матннинг юксак колоритини саклашга хизмат қолади. Мўмин, ислом, муслмон, иймон, Аллоҳ, расул, ханиф, қарим, раҳим, раҳмон, қаххор, жабор, фикх, ҳадис, шариат сингари юзлаб тушунчалар ва терминлар минг йилдан ортик даврдан буён тилимизга қандай сингиб, ўзлашиб кетган бўлса, Аллоҳнинг гўзал исмлари — сифатлари ҳам шундай сингиб, ўзлашиб бораверади. Бунда ўзлашиш сари солинган қатта йўл шлагбаумсиз келажак уфқлари сари олиб боради. Аллоҳ исмлари билан бирга илоҳий сураларнинг асл номлари ҳам тилимизга қиради ва бора-бора таржимасиз ҳам тушунарли бўлиб қолади. Шунинг учун айрим таржима версияларида сураларнинг номлари асл ҳолича келтирилаётгани, саҳифа остидаги изоҳларда уларнинг маъноси ва айрим ҳолларда уларнинг тарихий маъноси келтирилаётгани ўқувчи учун қатта давлатдир. Сураларнинг асл номларини билиш билан тушунчаларимиз бойийди, Куръоннинг илоҳий юксак муҳитида нафас олишга етаклайди. Бу қаби кенг ва чуқур зарурий ишларни, текстологик ишланмаларни, албатта, илмий академик нашрда амалга ошириш ўз-ўзидан заруратга айланади. Академик нашр кизикувчилар ва ўрганувчиларнинг ҳар қандай саволларига лаббай деб жаваб берадиган нашр бўлади. Унинг яратилишида ҳозиргача бўлган барча таржима версиялари улкан асос, моя вазифасини ўтайди. Ўз-ўзидан равшанки, ҳозирги бир қанча таржима версиялари бўлмаганда, эътиборли илмий академик нашр ҳақида сўз юритиш ҳам қийин бўларди. Ҳозир қўлимизда мавжуд ва қатта миннатдорлик билан фойдаланилаётган нашрларнинг ҳар бирининг ўз фойдали, ютуқ томонлари, жозибаси бор. Улар жуда қатта машаққатли меҳнат ва изланишлар натижасида юзага чиққан. Лекин ҳали бизда Куръоннинг асл ҳиссий-руҳий бадиий қудрати ва шиддати, поэтик

охангдорлигининг товланишлари ва мўъжизалари адекват сакланган ўзбек тилидаги таржимаси амалга оширилган эмас. Айникса, ўттизинчи пора сураларининг шахду шиддати ва самовий хаяжонлари таржимада мукобил ифодаланган ўринлар камдан-кам учрайди. Энг олий хаяжонли ўринларда ҳам оятлар иложи борича соддалаштириб, иложи борича тушунарли килиб беришга ҳаракат килинган. Бу ҳозирги барча таржима версияларнинг умумий хусусияти. Кўпинча бу юксак илохий хаяжонларни таржима сўзида ифода килиб бўлмайди, деган фикр юради. Ва кўп пайт ижодкор кўлларини боғлайди. Лекин домла Саблуков, домла Крачковский, Валерия Порохова хоним хатто шеърий йўл билан буни ўз тилларида ҳар қалай ифодалаш усулини топишга уриндилар-ку! Ўзбек тилида ҳам вақти-соати билан энг адекват таржима, энг хаяжонли (Куръон даражасидаги хаяжонли) таржима бўлишини орзу қиламиз.

XX аср жаҳоннинг улкан аллома адибларидан бири Умберто Эко таржима нима, деган саволга жавоб бераркан, у “айнан айтиш”, дейди. Яъни оригинал тилидаги матнни ҳар қандай бошқа тилда айнаан айтиш, тўғрироғи, айнаан ифодалаш. Таржиманинг энг оддий, энг тўғри таърифи шу. Уни таржиманинг универсал таърифи деб айтиш ҳам мумкин. Шунга кўра оятларнинг айрим таржималарига назар ташлайлик. “Маориж” сурасида қиёмат манзаралари бағоят ўткир ва таъсирли, кўркинч ибораларда таърифланади. Ундан бир оят: Явма тақун с-самоу кал-мухли (70, 8).

“У кунда осмон ёғнинг куйкасидек бўлиб қолур”.

Абдулазиз Мансур таржимаси (588-б.).

“В тот день, когда небо будет как медь расплавленная”.

Л.Крачковский таржимаси, (471-с.).

“У кунда осмон эритилган мис каби бўлиб қолур”.

Алоуддин Мансур таржимаси, (458-б.).

“Тот День,

Когда расплавленной медью станет небо”.

Валерия Порохова таржимаси, (613-б.).

“Ул кун осмон бўлур эритилган мис каби”.

Саййид Тарозий таржимаси

“В тот день небо будет подобно расплавленному серебру”.

Сумайя Афибий ва Ал-Мансий таржимаси, (1168-б.).

“Ул кун кўк бўлур эриган олтун қумуш каби”.

XII аср эски ўзбек тилидаги таржима.

Куръоннинг 2008 йилда Москвада Элмар Кулиев таржимаси ва изоҳлари билан чиққан нашрида бу мухтасар оят “В тот день когда небо станет подобно расплавленному металлу (или усадку масла, или кровавому гною)” (с.574), деб гоёта умуллаштириб, қалғитиб талкин этилади.

Куръон аслиятидаги “қал-мухли” бирикмасининг қайси бир таржимаси тўғри? Тўрт таржимон уни “эритилган мис каби” деб талкин этади. Нисбатан янги ва тўла жиддий Кохира нашрида “эритилган қумуш каби”, деб ўгирилади.

Эритилган мис билан эритилган қумушнинг фарқи борми? XII асрдаги номаълум муаллифимиз эса бу ҳолни “эриган олтун қумуш каби”, деб тасаввур қилмоқда. Энг янги таржимонимиз эса бутунлай ўзгача тасаввурда: “осмон ёғнинг куйкасидек бўлиб қолур”, деган талкинни таклиф этмоқда.

Хўш, бу талкинларнинг кай бири тўғри? Кай бири оригиналга якин? “Кал-мухли” таржимасининг асл эквиваленти қандай ифодаланади? Замон ўқувчиларига шу каби кўпдан кўп ўринларни аниқлаб бериш учун илмий академик нашр зарур эмасми? Барча муфассирлар Куръонни ўқиш ва ўқиш Яратганга яқинлашиш йўли, зулматдан ёруғликка чиқиш ва етишиш йўли, деб тўғри тушунтирадилар. Куръоннинг ўз шаходатига суяниб, уни турли ўзгариш ва ўзгартиришлардан Аллохнинг ўзи асрайди, деб уқтирадилар. 2000 йил русчага қилинган таржиманинг Кохира нашрида доктор Мухаммад Тантовий сўзбошида шундай ҳаққоний фикрларни айтади: “Одамлар ва халқлар Куръонни ва унинг йўл-йўриқлари, аҳкомларини ўзларига раҳбар қилиб олсаларгина бахт-саодатга эришадилар. Ушбу хидоятга Куръоннинг, унинг каломларининг маънолари, ифодаларини талкин қилмасдан, тушунтирмасдан, тадқиқ этмасдан етиб бўлмайди, мана шу илм-таълимотни тафсир деб аташади (талкин дейишади)” (Ўзбекчага таржима). (Кохира нашри, 2000 йил, 12-13-б.). Шундай тафсирларсиз бу китобни англаш мушкул, деб ёзади у яна. Ислом уламолари ҳазрат Тантовий ва ҳазрат Зарковий Куръонни тафсир қилганда иложи борича содда қилиб ва шу билан бирга иложи борича аниқ қилиб тушунтиришга даъват этадилар. Суютий, Ибн Баттол каби улуг алломалар илохий китобни бошқа тилларга таржима қилиш мумкин, аммо бунда бир муҳим шартга риоя қилиш даркор. Биринчидан, асл матнни аниқ ва сўзма-сўз бериб, унинг остида бошқа тилга ўғирилган маъноларини акс эттириш лозим, мана шу энг тўғри йўл, деб айтганлар.

Хар ҳолда илохий матнларнинг ўзбек тилига таржимаси принциплари: қоидалари, йўл-йўриқлари муайян тарзда аниқ ишлаб чиқилишига зарурат тугилаётгани сезилмоқда. Буларга грамматик принциплар, бадиий принциплар, шарҳлаш, изоҳлаш принциплари ва уларнинг энг мукамал шакллари қиради. Европа олимлари синчковлик билан Куръон атамалари, терминлари, реалийлари устида кунт билан текширишлар олиб борганлар. Хатто академик Н.Я.Март “Арабча “ханиф” термини ва унинг палеоантологик ёритилиши”, деган рисола ҳам ёзган (1928).

Терминларга боқайлик: “У осмонлар ва ерни олти кунда яратиб, сўнгра Арш узра муставий бўлган зотдир” (Ал-ҳадид, 4).

“Яратди кўкларни тақ ерларни олти кун ичинда ондин сўнг ариглик бўлди арш уза”(“Тафсир”). “Ариглик” бу ерда соқинлик, тинчлик маъносида.

“Тафсир” сўзма-сўз таржимани оятлар остида бериб бораётган бўлса ҳам, “хуаллазий”ни тушириб қолдиради. Ундан кейинги сўзларни жуда содда ва аниқ ўғиради. Фақат охангдорликни саклаш учун “арз” сўзини “ерларни” деб ағдаради. “Кўкларни ва ерларни” — жуда охангдор. Замонавий таржимон бу ерда “осмонлар ва ерни”, дейди. “Арз”ни ерлар деб олиш тўғри бўладими? “Арз” матнда ер сайёраси маъносида қеляпти. Уни “ерлар” деб олиш унчалик тўғри эмас. Бойхўжанинг ерлари дейиш мумкин. Ер қуррасининг қитъалари дейиш мумкин. Лекин “Арш”ни “ерлар” дейиш тўғри бўлмайди. “Арз”ни “ерлар”деб берган ҳолда “Тафсир” “Арш”ни ўз ҳолича акс эттиради. Энг янги таржималарда ҳам бу тушунча ўз ҳолича “Арш” деб олинган. Энди жуда қиска оятни қўрайлик. “Хуа л-азиз ул-ҳаким”(“Ал-ҳадид”).

“У қудрат ва ҳикмат соҳибидир” (1-оят).

Таржимон “азиз” ва “ҳаким”ни “қудрат ва ҳикмат соҳибидир”деб ўғиради. Шу суранинг учинчи ояти: “У Аввал, Охир, Зоҳир ва Ботиндир. У барча нарсани билувчидир”, деб ағдарилади. Яъни асл матндаги Аввал, Охир, Зоҳир, Ботин тушунчалари ўз ҳолича қелтирилади. Нега олдинги оятдаги “Азиз” ва “Ҳаким” тушунчалари таржимада берилди-ю, кейинги оятда

Ўша катордаги Аллохнинг тўрт гўзал сифати асл холича олинди? Биз бу гапни принципларнинг шаклланмаганлигига мисол учун олмоқдамиз. Нотўғри таржима демокчи эмасми. Ёндошувлар турлича. Шунинг учун таржимада аслиятда йўқ “зотдир”, “сохибидир” деган ортикча сўзлар кўп ишлатилади. Холбуки, бунга хожат йўқ. “Охир” ва “Зохир” асл холича олинганда, “Алим” — “билувчи” деб ағдарилади. “Барча нарсаларни билувчи Алимдир” — деб реалийни саклаган холда колоритини келтириб ўгириш ҳам мумкин. Бунинг учун эса таржима принциплари мукамал ишланган бўлиши зарур. Саййид Тарозий талкинида эса, айтайлик, “Аввал” ва “Охир” ўзича олинган холда “Зохир” ва “Ботин” — “Ошкора” ва “Махфий” деб кайд этилади. Бу ҳам изчил бир принципга амал килмасликдан. Ёки бир таржимон “Азиз”ни “Голиб” деб ўгиради, бошка таржимон уни “Кудрат сохиби” деб олади. Хос отларни хилма-хил талкин этиш жойиз эмас. Булар таржима матнларини хаддан ташкари соддалаштиришга олиб боради. “Аллохнинг чиройли исмлари бордир. Уни ўшалар билан атангизлар” (“Аъроф”). Чиройли исмларга чиройли риоя жойиз. “Аллох, деб чорлангиз, ёки Рахмон деб чорлангиз. Кандай чорласангизлар-да (жойиздир). Зеро, Унинг гўзал Исмлари бордир” (“Ал-Исро”). Бу ерда “зеро”, “жоиз” ортикча юк. Гапнинг грамматик тўғри қурилиши топилмаган. Аммо таржимон “Аллох”, “Рахмон” сўзларини таржима килмасдан бериш зарурлигини бунда яхши хис килган. Нега “Куръон”, “Лавх ул-махфуз” сўзларини таржима қилишни асло хаёлимизга келтирмаймиз? Таржима қилса бўлади-ку! Лекин бунга зарурат йўқ. Хозирги Куръон таржималарида, не ажабки, услуб йўқ. У шаклланиб етмаган. Эмоционаллик йўқ. У шаклланиб етмаган. Шунинг учун Аллохнинг жаноб Мухаммадга мурожаатлари “СИЗ” деб олинса, бошка элчиларга “Сен” деб айтилади. Пайгамбарлар эса Аллохга “Сен” деб нидо қиладилар. Кандай бўлиши керак? Қай бир йўл тўғри? Андеша йўли тўғрими? Хақиқат йўлими? Илмни изчилликсиз тассаввур қилиш мумкинми?

Нихоят, яна бир мулоҳаза: истиклол йиллари ислом маданияти, маърифати учун кенг тараккиёт йўллари очилди. Дин тарихи, таълимоти ақидалари, унинг ер юзида яшовчи халқлар орасида кенг ёйилиши, бунинг асосий сабаблари, қонуниятлари, XXI аср — илм-техника юксак ривожланган даврда ахлокий-маънавий, рухоний қарашларнинг турли-туман қавмлар, аҳоли қатламларига, бинобарин, қурраи арздаги умумий маънавий-эътиқодий иқлимга кўрсатаётган қучли таъсир йўналишлари ҳақида замонавий илмий тадқиқотлар олиб боришга майллар уйғонмоқда. Ислом университети 10 йилдан буён Тошкентда фаолият кўрсатаётгани бу уйғонишлар чинакам илмий рағбатга айланишига умид тугдиради. Куръон ва ҳадисларнинг таржималари билан бирга исломий йўналишдаги адабиётларнинг салмоғи ҳам хийла ортиб бормоқда. Исломий диний адабиётларда тарихийлик, маърифийлик, илмийлик тамойиллари етакчи бўладиган жараёнлар етиб келган. Бугун расталарни тўлдириб турган аксар юпка-калин китобларнинг мавзулари, ёзилиш услублари икки томчи сувдек бир-бирига ўхшайди. Улар тинимсиз бир-бирини такрорлайди. Кўп холларда бу рисоалар мусанниф ва муаллифларнинг факат исми билангина фаркланади. Муаллифларда масалага оригинал фикрий муносабатларнинг йўқлиги, баён, талкинларнинг ўта сийқа, чўпчакнамолиги китобларнинг кадр-қимматини туширади. Буларнинг ўрнига буюк ислом олимлари, Табарий, Замахшарийларнинг асарларини таржима ва шарҳлар билан чиқариш, улуг тафсирларини тузиш афзал эмасми?

Исломнинг бутун жозибаси — Куръон. Унинг таржималари қанчалар мукамал, фасих ва бадий эҳтиросли бўлса, илохий мўъжизалар қалблар ва онгларда шунчалар ўчмас акс садо топади.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2009 йил 16-сонидан олинди
Иброхим Гафуров